

Жума куни Духон сурасини ўқиш



04:30 / 08.09.2023 3839

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким жума кечаси «Ҳо мим» - «Духон»ни қироат қилса, мағфират қилинади», - дедилар».

Бошқа ривоятда:

«Ким жума кечаси «Ҳо мим» - «Духон» сурасини ўқиса, етмиш минг фаришта тонггача унинг ҳаққига истиғфор айтиб чиқади», - дейилган.

Термизий ва Асбаҳоний ривоят қилишган.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким жума кечаси ёки жума куни «Ҳо мим» - «Духон»ни қироат қилса, Аллоҳ унга жаннатда бир уй бино қилади», - дедилар».

Табароний ривоят қилган.

“Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар” китобидан